



2-5/25

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Давергеодезкадастр кўмитаси раиси
ўринбосари



М.И.Рузметов

“08” январ 2018 йил

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва
давлат кадастри давлат кўмитасида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

“08” январ 2018 йил

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: **М.И.Рузметов** - кўмита раисининг
ўринбосари

Қатнашганлар: Кўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлим
бошликлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари,
юримдик бўлим бошлиғи, девонхона ходими ва
бошқалар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги 151-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармонида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Республика маҳаллалар кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар самарадорлигини ўрганиш натижалари тўғрисида”ги Раёсати Мажлиси тегишли топшириқлари ижросини таъминлаш ҳақида.

2. Бошқа масалалар.

(Рузметов, Алимов, Нормўминов, Исаметдинов, Рузметов)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги 151-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармонида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Республика маҳаллалар

кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар самарадорлигини ўрганиш натижалари тўғрисида”ги Раёсати Мажлиси тегишли топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Давергеодезкадастр кўмитаси ва унинг ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Кун тартибида муҳокама қилинган масалалардан келиб чиққан ҳолда йиғилиш, **қарор қилади.**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги 151-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармонида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Республика маҳаллалар кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар самарадорлигини ўрганиш натижалари тўғрисида”ги Раёсати Мажлиси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ҳудудий ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари бошлиқларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда тегишли идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармони билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча комплекс чора-тадбирлар Дастуринининг:

35-бандига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар марказларида “Маҳалла маркази” мажмуалари бинолари қуриш учун, шунингдек 36-бандига асосан “2017-2021 йиллар мобайнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, болалар спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳудудий Дастурлар ижросини тўлиқ таъминланиши ҳамда амалга оширилган ишлар натижаси бўйича ҳар чоракда Республика маҳаллалар кенгашига ахборот бериб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Кун тартибида кўрилган масалаларни бажарилишини назорат қилиш Ер тузиш бошқармаси бошлиғи А.Х.Алимов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби



Ў.Сафаров

